

Бадр иштирокчиларининг улуғлари

08:10 / 10.02.2018 3742

Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Умар розияллоху анху мени Бадр иштирокчиларининг улуғлари билан бирга (ҳузурида бўладиган мажлисга) киритди. Гўёки уларнинг баъзилари ранжиб: «Нега бу даврамизга биз билан бирга киради? Бизнинг ҳам бунингдек ўғилларимиз бор-ку» дейишди. Умар: «Ўзингиз билган сабабдан (яъни, Расулуллоҳга қариндош ва доим суҳбатда бўлгани учун)», деди. Бир куни Умар мени чақириб, улар билан киргиздилар. Ўша куни фақат мени уларга кўрсатиш учунгина шундай қилдилар. Ва: «Аллоҳнинг сўзидаги **«Иза жаа насруллоҳи валфатҳ»** ояти ҳақида нима дейсизлар?» деганларида, баъзилари: «Агар нусрат берилиб, бизга фатҳ этилса, Аллоҳга ҳамд ва истиғфор айтишга буюрилдик», дейишди. Баъзилар ҳеч нарса демай сукут қилишди. Шунда Умар менга: «Эй Ибн Аббос, сен ҳам шундай дейсанми?» деганларида, «Йўқ», деб айтдим. Умар: «Унда нима дейсан?» дедилар. Мен: «Бу Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ажалларидир, уни бу зотга билдирмоқда», дедим. (Яъни), **«Агар Аллоҳнинг нусрати ва фатҳи келса» - бу етган ажалининг аломатидир. «Бас, Раббингга ҳамд айт ва мағфират сўра. Зеро, У тавбаларни қабул қилгувчи бўлган Зотдир»**. Умар розияллоху анху: «Сен айтган нарсанигина биламан, холос», дедилар».

Имом Бухорий ривоятлари.